




ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ФИСКАЛ ИНСТИТУТ

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

РЕЖА:



✓ Молиявий ҳисобот ҳақида тушунча



- ✓ Бухгалтерия баланси таҳлили
- ✓ Молиявий натижалар таҳлили
- ✓ Пул оқимлари таҳлили
- ✓ Хусусий капитал таҳлили

Молиявий ҳолат давлат, ташкилот ва шахслар ўртасида бўладиган ўзаро муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ пул ҳисоб-китобларини ифодалайди.

Молиявий ҳолат корхонани маблағ билан таъминланганлиги барча турдаги маблағларни мақсадга мувофиқ йўналиши ҳамда фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги

бюджет

банк

қомашё
етказиб
берувчилар

харидорлар

ташкилотлар

билан олиб бориладиган
ҳисоб-китоб ҳолати
билан характерланади

Корхоналарнинг молиявий ҳолати нима?

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ БУ

Кўрсаткичлар тизими бўлиб, улар корхоналарнинг молиявий ресурслари мавжудлигини, ҳолатини, ҳаракати, жойлашганлигини ва улардан фойдаланиш даражасини ифодалайди

Корхонанинг мўтадил ишлаб чиқариши учун зарур бўлган молиявий ресурслар билан таъминланганлиги ва самарали фойдаланиш ифодасидир

Корхоналарнинг молиявий барқарорлигини, тўловга лаёқатлилигини, мол-мул ва маблағларнинг ҳаракатчанлигини ифодаловчи тизимдир

Корхоналар фаолиятидаги бутун ишлаб чиқариш ва хўжалик омилларининг ҳаракати, уларнинг ўзаро алоқадорлик натижасидир

КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛИ НИМА ВА У НИМА УЧУН КЕРАК?

Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш – турли хилдаги кўсаткичлар ёрдамида, таҳлилнинг турли усуллардан фойдаланиб хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ресурслари мавжудлигини, уларнинг ҳолатини, ҳаракатини, жойлашганлигини ва улардан фойдаланиш даражасини ўрганишдир.

Замонавий иқтисодиёт шароитида фаолият кўрсатиш учун, ривожланиши ҳамда корхона банкротликка учрашига йўл қўймаслик учун корхона ресурсларидан оқилона фойдаланишни, ташкил бўлишига қараб капитал таркибини ва маънбасини яхши билмоқ зарур, ўз маблағлари ҳамда жалб қилинган маблағлар салмоғини билмоқ жуда зарурдир.

КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ ХОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Корхона фаолиятига қизиқувчилар 2 гуруҳга бўлинади

БЕВОСИТА


Мулк эгалари, корхона
бошқаруви, қарз
берувчилар, мол етказиб
берувчилар, харидорлар,
солиқчилар, ишчилар ва
ходимлар

БИЛВОСИТА

Аудиторлик фирмалари,
биржалар, ассоциация
вакиллари,
матбуот ходимлари,
касаба уюшмалари

МҲҲС асосида таҳлил қуйидаги турларга бўлинади:

(Молявий ҳисоботларни халқаро стандартлари)



КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

**«Бухгалтерия
баланси» (1-шакл)
– 15 сонли БҲМС**

Баланс- корхонанинг
мол-мулки ва
молиявий ҳолатини
маълум бир сана кунга
тавсифлайди

**«Пул оқимлари
ҳақидаги ҳисобот»
(4-шакл) – 9-сонли
БҲМС**

Пул оқимлари ҳақидаги
ҳисобот-
фойдаланувчининг
қуйидагиларни баҳолай
олиши учун корхонанинг
операцион, инвестицион
ва молиявий фаолияти
асосида тузилади

**«Молиявий
натижалар тўғрисида
ҳисобот» (2-шакл) – 2
ва 3-сонли БҲМС**

Молиявий
натижалар
тўғрисидаги ҳисобот
– ҳўжалик юритувчи
субъектларнинг
даромадлари ва
харажатларини акс
эттиради, фаолият
самарадорлигини
баҳолашга, фойда
миқдорига таъсир
кўрсатган фактларни
таҳлил қилишга
имкон беради

**«Хусусий капитал
тўғрисидаги
ҳисобот» (5-шакл) –
14-сонли БҲМС**

Хусусий капитал тўғрисидаги
ҳисобот- ҳисобот даври учун
иқтисодий субъектнинг
маблағларини шакллантириш
манбалари тўғрисида маълумот
бериш мақсадида тузилади



БАЛАНС

АКТИВ ҚИСМИ

Узоқ муддатли ва айланма маблағларнинг ҳолатини кўрсатиб, молиявий хўжалик жараёнини юритиш вазифасини бажаришда бу мулклардан фойдаланади. Мулк, тўпланган молиявий ҳамда давлат ташкилотлари маблағи, ҳусусий шахслар жамғармаси, ҳиссадор ва таъсисчиларнинг улуши, банк кредити, чет эллик сармоядорлар ва ҳақозо маблағлар эвазига сотиб олинади.

ПАССИВ ҚИСМИ

Корхона мулки ва маблағларнинг келиб чиқиш манбалари баланснинг пассивида кўрсатилади. Булар ўзига қарашли ва четдан жалб қилинган манбаларга ажратилади. Жалб қилинган манбаларга банк кредитлари ва кредиторлик қарзлари ва бошқа мажбуриятларни киритиш мумкин.

БАЛАНСНИНГ ТАРКИБИ

I. УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР

0100-0990

010-120-сатр

ЖАМИ 1-БЎЛИМ 130-сатр

II. ЖОРИЙ АКТИВЛАР

1000-5900

140-380-сатр

ЖАМИ 2-БЎЛИМ 390-сатр

БАЛАНС активи
400-сатр

100%

I. ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ МАНБАЛАРИ

8300-8900

410-470-сатр

ЖАМИ 1-БЎЛИМ 480-сатр

II. МАЖБУРИЯТЛАР


6000-7900

490-760-сатр

ЖАМИ 2-БЎЛИМ 770-сатр

БАЛАНС пассиви
780-сатр

100%



Бухгалтерия баланси маълумотлари асосида молиявий коэффицентлар қуйидаги тартибда аниқланади:

Молиявий мустақиллик
коэффиенти қуйидагича
аниқланади:

**Ўз маблағларининг
манбалари (480 сатр
I-булим)**

Баланс жами (780 сатр)

Тўлов қобилияти
коэффиенти қуйидаги
тартибда аниқланади:

**Жорий активлар (390
сатр II-булим)**

Мажбуриятлар (770 сатр)

Қарз ва ўз маблағлари
ўртасидаги нисбат
коэффиенти қуйидаги
тартибда аниқланади:

**Мажбуриятлар – узоқ
муддатли мажбуриятлар**

**Ўз маблағларининг
манбалари (480 сатр)**

Бухгалтерия баланси маълумотлари асосида молиявий коэффициентлар қуйидаги тартибда аниқланади:

Заҳира ва харажатларни ўз манбалари билан қопланганлик коэффициенти қуйидаги тартибда аниқланади:

Ўз маблағлари манбалари + узоқ муддатли мажбуриятлар – узоқ муддатли активлар (480+490-130 сатр)

Товар-моддий заҳиралар (140 сатр)

Маблағларнинг чаққон ҳаракатчанлик (манёврлашганлик) коэффициенти қуйидаги тартибда аниқланади:

Ўз маблағлари манбалари + узоқ муддатли мажбуриятлар – узоқ муддатли активлар (480+490-130 сатр)

Ўз маблағларининг манбалари (480 сатр)

МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ НИСБИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ОРҚАЛИ БАҲО БЕРИШ

№	Молиявий коэффицент номи	Ҳисоблаш тартиби	Оптимал чегараси
1	Молиявий мустақиллик коэффиценти	$K_{MM} = \dot{Y}_{MM} / BC$	0,5-1
2	Молиявий барқарорлик коэффиценти	$K_{MB} = (\dot{Y}_{MM} + U_{M\kappa}) / BC$	0,6-1
3	Тўлов қобилияти коэффиценти	$K_{TK} = JA / JM$	2-3
4	Ҳаракатчанлик коэффиценти	$K_{\chi} = \dot{Y}_{AM} / \dot{Y}_{MM}$	0,1-0,5
5	Банкротликни башорат қилиш коэффиценти	$K_{\text{бб}} = \dot{Y}_{AM} / BC$	Кичиклашмаслиги керак
6	Молиялаш коэффиценти	$K_M = \dot{Y}_{MM} / \kappa_M$	1 дан катта
7	Иммобилизация коэффиценти	$K_I = A_{\text{э}} / AB_{\text{бк}}$	0,5 дан кичик
8	Кумулятив фойдалилик коэффиценти	$K_{\text{кф}} = TF / BC$	Кичиклашмаслиги керак

Бу ерда:

Ўмм – корхонанинг ўз маблағлари манбаи

ЎАМ –ўз айланма маблағлари мавжуд суммаси

БС – баланс жами суммаси

ҚМ – жами қарз манбалари

ЖА – жорий активлар

$A_э$ – жамғарилган амортизация суммаси

ЖМ – жорий мажбуриятлар

$AB_{бқ}$ – жами асосий воситалар бошланғич қиймати

Умқ – узоқ муддатли қарз манбалари

ТФ – тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)

Иммуобилизация – бирор аъзони қимирламайдиган қилиб қўйиш(гипслаш)

Кумуляция – дори ёки заҳар моддаларининг организмда тўпланиб кучли таъсир қилиши

Баланс актив ва пассив моддаларининг ҳаракатчанлиги (ликвидлигини) таҳлили

Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига	Тўлаш учун маблағларнинг етарлилиги (+) ёки етишмаслиги (-)	
						Йил бошига	Йил охирига
1	2	3	4	5	6	7=2-5	8=3-6
1. Доимий ҳаракатдаги активлар	7657	9491	1. Муддати келган тўлов мажбуриятлари	249458	127554	-241801	-118063
2. Тез сотилувчи (пулга айланувчи) активлар	53266	148125	2. Қисқа муддатли пассивлар	8589	35593	+44677	+112532
3. Секин сотилувчи (пулга айланувчи) активлар	470833	531450	3. Узоқ муддатли пассивлар	-	-	+470833	+531450
4. Қийин сотилувчи (пулга айланувчи) активлар	186790	203491	4. Доимий пассивлар	460499	729410	-273709	-525919
БАЛАНС	718546	892557	БАЛАНС	718546	892557	0	0

Молиявий натижалар таҳлили

Бозор қонуниятининг мазмуни ҳам шундан иборат ва бозор шароитида даромад олиш, фойда қилишнинг бошқача усули бўлиши мумкин эмас.



Фойда механизмининг таъсири ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар фаолиятини истеъмолчи манфаатига қаратади, чунки шу йўл орқалигина фойда олишни билади.

Молиявий натижалар таҳлили


Фойда (даромад) иқтисодий ҳаракатнинг зарурий шарти мақсади сифатида қаралади. Жаҳон амалиётида фойда дейилганда кўпинча бизнес самарадорлигининг тадбир воситаси сифатида қаралади. Фойда бу даромадлар ва харажатлар фарқланишидаги юқори ўзгарувчанликдир. Улар орасидаги қуйи ўзгарувчанлик эса зарарни ифодалайди.

Даромадлар - бу ҳисобот даврида иқтисодий фойданинг активларнинг оқими ёки кўпайиши шаклида ўсиши ёки пассивларнинг қатнашчиларнинг капиталдаги омонатларидан фарқ этувчи ўсишига олиб келувчи камайишидир.

Харажатлар – ҳисобот даврида иқтисодий фойданинг активларнинг чиқиб кетиши ёки улардан фойдаланиш шаклида камайиши, шунингдек, қатнашчилар ўртасида капиталнинг камайишига олиб келувчи мажбуриятларнинг юзага келишидир.

Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

ОЗО сатр = ЯФ = ССТ - ИТ



ЯФ — ялпи фойда.

ССТ — сотишдан олинган соф тушум.

ИТ — сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи.

Асосий фаолиятдан олинган фойда,
бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр
харажатлари ўртасидаги тафовут, ва плюс асосий
фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ёки минус бошқа
зарарлар сифатида аниқланади:

АФФ — асосий
фаолиятдан
олинган фойда;

ДХ — давр
харажатлари;

БД — асосий
фаолиятдан
олинган бошқа
даромадлар;

БЗ — асосий
фаолиятдан
кўрилган бошқа
зарарлар;

$$100 \text{ сатр} = \text{АФФ} = \text{ЯФ} - \text{ДХ} + \text{БД} - \text{БЗ}$$

Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар),

бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс
молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва минус
молиявий фаолият харажатлари сифатида ҳисоблаб
чиқилади:

АФФ — асосий
фаолиятдан
олинган фойда;

МД — молиявий
фаолиятдан
олинган
даромадлар;

$$220 \text{ сатр} = \text{УФ} = \text{АФФ} + \text{МД} - \text{МХ},$$

УФ —
умумхўжалик
фаолиятидан
олинган фойда;

МХ — молиявий
фаолият
харажатлари;

Солиқ тўлангунгача олинган фойда,
у умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда плюс
фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан
кўрилган фойда ва минус зарар сифатида
аниқланади:



$$240 \text{ сатр} = \text{СТФ} = \text{УФ} + \text{ФФ} - \text{ФЗ},$$



СТФ — солиқ тўлангунгача олинган фойда;



ФФ — фавқулодда вазиятлардан олинган фойда;



ФЗ — фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар;

Йилнинг соф фойдаси,

у солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзида фойдадан тўланадиган солиқни ва минус қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$270 \text{ сатр} = \text{СФ} = \text{СТФ} - \text{ФС} - \text{БС},$$

СФ — соф фойда;

ФС — фойдадан тўланадиган солиқ;

БС — бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар.



Молиявий натижаларнинг таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришларининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши (+,-)	
	Сумма, минг сўм	Солиқ тўлангунгача бўлган фойдага нисбатан салмоғи,%	Сумма, минг сўм	Солиқ тўлангунгача бўлган фойдага нисбатан салмоғи, %	Сумма-даги	Салмоғидаги
1	2	3	4	5	6	7
1. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда	522905	189,69	872059	192,45	+349154	+2,76
2. Давр харажатлари ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажатлар	-281602	102,16	-470990	103,96	+189388	+1,8
3. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг ялпи молиявий натижаси	241303	87,53	401069	88,53	+159766	+1,0
4. Умумхўжалик фаолиятининг ялпи молиявий натижаси	275657	100,0	453044	100,0	+177387	-
5. Фавқулоддаги фойда ва зарарлар	-	-	-	-	-	-
6. Даромад солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар)	275657	100,0	453044	100,0	+177387	-
7. Даромад (фойда)дан солиқ ва бошқа солиқлар	245414	89,03	427644	94,39	+182230	+5,36
8. Ҳисобот давридаги соф фойда ёки зарар	30243	10,97	25400	5,61	-4843	-5,36

РЕНТАБЕЛЛИК КЎРСАТКИЧИ

Корхона фаолият натижавийлигига баҳо беришнинг асосий кўрсаткичларидан бири рентабеллик кўрсаткичи ҳисобланади.

Рентабеллик - корхона фойдалиқ даражасини характерлайди. Одатда унинг бир неча турлари ҳисоб китоб қилинади. Бу бевосита мулкнинг шакли бўйича даромадларнинг юзага чиқиш ўрни ёки базаси бўйича, фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи бирликлар бўйича ёки мустақил бирликлар бўйича аниқланиши мумкин.

Корхонанинг рентабеллик кўрсаткичлари қуйидаги тартибда аниқланади:

Ишлаб чиқариш
харажатларининг
рентабеллиги:

$$P = \frac{\text{соф фойда}}{\text{Ишлаб чиқариш харажатлари}} \times 100\%$$

Асосий воситалар
рентабеллиги:

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати}} \times 100\%$$

Сотиш бўйича
рентабеллик:

$$P = \frac{\text{Сотишдан олинган фойда}}{\text{Сотишдан олинган тушум суммаси}} \times 100\%$$

Корхонанинг рентабеллик кўрсаткичлари қуйидаги тартибда аниқланади:

Айланма активлар
рентабеллиги:

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Айланма активлар ўртача йиллик қиймати}} \times 100\%$$

Жами мулк рентабеллиги:

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Корхона мулки жами}} \times 100\%$$

Ўз маблағлари рентабеллиги:

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Корхона ўзлик маблағлари}} \times 100\%$$

Корхонанинг рентабеллик кўрсаткичлари қуйидаги тартибда аниқланади:

Қарз маблағлари рентабеллиги:

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Қарз маблағлари жами}} \times 100\%$$

Асосий воситалар ва моддий айланма маблағлари рентабеллиги:

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Асосий ва айланма маблағлари уртача йиллий қиймати}} \times 100\%$$

Рентабеллик кўрсаткичлари, уларнинг турлари ва таъсир этувчи омиллар таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Фарқи (+,-)
1	2	3	4	5
1	Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	1452513	3040381	+1587868
2	Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннари, минг сўм	929608	2168322	+1238714
3	Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда, минг сўм	522905	872059	+349154
4	Соф фойда, минг сўм	30243	25400	-4843
5	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (қолдиқ қийматда), минг сўм	80892	91253	+10361
6	Оборот маблағларининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	531756	689066	+157310
7	Корхонанинг жами мулки, минг сўм	718546	892557	+174011
8	Ўзлик маблағлари манбаи, минг сўм	460499	729410	+268911
9	Қарз маблағлари, минг сўм	258047	163147	-94900
10	Маҳсулот сотиш рентабеллиги, %	36,0	28,68	-7,32
11	Асосий воситалар рентабеллиги, %	37,98	27,83	-9,55
12	Оборот маблағлари рентабеллиги, %	5,69	3,69	-2,0
13	Ишлаб чиқариш таннари рентабеллиги, %	56,25	40,22	-16,03
14	Ўз маблағлари рентабеллиги, %	6,57	3,48	-3,09
15	Мол-мулк рентабеллиги, %	4,21	2,85	-1,36
16	Умумий рентабеллик, % $(4\5+6)*100$	4,94	3,25	-1,69
17	Қарз маблағлари рентабеллиги, %	11,72	15,57	+3,85

ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Пул маблағлари - мажбуриятларни зудлик билан тўлаш учун ишлатилиши мумкин бўлган турдаги маблағларни ўз ичига олади.

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ БУ


молиявий муассасалардаги жорий ҳисобварақлардаги қолдиқлар

нақд купюралар, тангалар, валюталар, кичик кассанинг нақд пуллари

молиявий муассасалар томонидан муддатли депозитлар

муомаладан чиқариш учун қабул қилинган, корхона кассасидаги конкрет ўтказиб бериладиган пул ҳужжатлари

4-шакл. Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот (9-сонли БҲМС)



Чет эл валютасидаги пул маблағларининг ҳаракати 250-290 сатрлар

КОРХОНАЛАРНИНГ ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТИДАГИ ПУЛ ОҚИМЛАРИ

Операцион фаолиятдаги пул оқими

Операцион фаолиятдаги пул маблағлари кирими

Жўнатилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун келиб тушган пул маблағлари

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига “транш” орқали келиб тушган пул маблағлари

Тайёрлов ташкилотларидан етказиб бериладиган хосил учун олинган бўнак пуллар

Пахта ва ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун берилган имтиёзли кредитлар

Операцион фаолиятнинг бошқа пулли тушумлари

Операцион фаолиятдаги пул маблағлари чиқими

Материал, товар, иш ва хизматлар учун мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари

Ходимларга тўланган пул маблағлари

Ходимлар номидан тўланган пул маблағлари

Тўланган фойда (даромад) солиғи

Тўланган ягона ер солиғи

Тўланган бошқа солиқлар

Операцион фаолиятнинг бошқа пулли тўловлари

КОРХОНАЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИДАГИ ПУЛ ОҚИМЛАРИ

Инвестиция фаолиятидаги пул оқими

Инвестиция фаолиятидаги пул маблағлари кирими

Асосий воситаларни сотишдан олинган пул маблағлари

Номоддий активларни сотишдан олинган пул маблағлари

Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни сотишдан олинган пул маблағлари

Инвестицион фаолиятнинг бошқа пулли тушумлари

Инвестиция фаолиятидаги пул маблағлари чиқими

Асосий воситаларни сотиб олиш учун сарфланган пул маблағлари

Номоддий активларни сотиб олиш учун сарфланган пуллар

Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни сотиб олиш учун сарфланган пул маблағлари

Инвестицион фаолиятнинг бошқа пулли тўловлари

КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИДАН ПУЛ ОҚИМЛАРИ

Молиявий фаолиятдан пул оқими

Молиявий фаолиятдан пул маблағлари кирими

Олинган фоизлар

Олинган дивидендлар

Акциялар чиқаришдан ёки хусусий капитал билан боғлиқ бўлган бошқа инструментлардан келган пул тушумлари

Узоқ муддатли кредит ва қарзлар бўйича пул тушумлари

Қисқа муддатли кредит ва қарзлар бўйича пул тушумлари

Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича пул тушумлари

Валюта курсининг ижобий фарқи

Молиявий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан пулли тушумлар

Молиявий фаолиятдан пул маблағлари чиқими

Тўланган фоизлар

Тўланган дивидендлар

Хусусий акциялар сотиб олингандаги пул тўловлари

Узоқ муддатли кредит ва қарзлар бўйича пулли тўловлар

Қисқа муддатли кредит ва қарзлар бўйича пулли тўловлар

Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича пулли тўловлар

Валюта курсининг салбий фарқи

Молиявий фаолиятнинг бошқа жараёнлари бўйича пулли тўловлар

ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ПУЛ ОҚИМЛАРИГА БАҲО БЕРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

<i>Кўрсаткичлар</i>	Пул оқимларига баҳо бериш учун ўрганиладиган кўрсаткичлар изоҳи		
	салбий	қониқарли	ижобий
1	2	3	4
Маҳсулот сотишдан тушган тушумнинг ўсиши (сотиш ҳажми), %	0 дан паст	0 дан - 20 гача	20 дан юқори
Корхона активларининг (мол-мулкининг) иқтисодий рентабеллиги, %	10 дан паст	10 дан - 15 гача	15 дан юқори
Айланма капиталга эҳтиёжнинг ўсиши, %	25 дан юқори	10 дан - 25 гача	10 дан паст
Айланмадан ташқари (узоқ муддатли) активларга эҳтиёжнинг ўсиши, %	25 дан юқори	10 дан - 25 гача	10 дан паст
Кредит фоизларини қоплаш, марта	2 дан паст	2 дан - 4 гача	4 дан юқори
қарзларни қайтариш муддати, ой	10 дан ортиқ	3 дан - 10 гача	3 дан паст
Корхона капиталида қарз маблағларининг улуши, %	50 дан юқори	40 дан - 50 гача	40 дан паст

КОРХОНАНИНГ ПУЛ ОҶИМЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Кўрсаткичлар	Пул маблағлари кирими		Пул маблағлари чиқими	
	Сумма, минг сўм	Жамига нисбатан салмоғи, %	Сумма, минг сўм	Жамига нисбатан салмоғи, %
1	3	4	5	6
1. Пул ва унга тенглаштирилган маблағларнинг ҳисобот йил бошига қолдиғи	7657	0,21	-	-
2. Хўжалик фаолиятида пул маблағларининг кирими (+), чиқими (-)	3654697	99,95	2927038	80,09
3. Тўланган солиқлар	-	-	727646	19,91
4. Инвестиция фаолиятидаги соф пул оқимларининг кирими ёки чиқими	1938	0,05	117	0,003
5. Молиявий фаолиятдаги соф кирим ёки чиқим	-	-	-	-
Жами пул маблағларининг ҳаракати:	3656635	100,0	3654801	100,0
Соф кўпайиш ёки камайиш	9491	0,26	-	-

Пул маблағларини етарли ёки етишмаслилигини аниқлашни иккинчи усули – бу пул маблағларини айланиш даврини аниқлашдан иборатдир.

$$\begin{array}{l}
 \text{Пул маблағларини} \\
 \text{Айланиш даври, кунда}
 \end{array}
 =
 \frac{
 \begin{array}{l}
 \text{Пул маблағларини} \\
 \text{ўртача қолдиғи}
 \end{array}
 *
 \begin{array}{l}
 \text{ўрганилиш} \\
 \text{даври}
 \end{array}
 }{
 \text{Оборот суммаси}
 }$$

Пул маблағларини ўртача қолдиғи 5000-«Кассадаги пул маблағлари» счёти, 5100-«Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари» счёти, 5200-«Чет Эл валютасидаги пул маблағлари» счёти, 5500-«Банкдаги махсус счётлар» счёти орқали қуйидагича аниқланади:

$$\begin{array}{l}
 \text{Пул маблағларини} \\
 \text{ўртача қолдиғи}
 \end{array}
 =
 \frac{
 \begin{array}{l}
 \text{1 ой бош.} \\
 \text{Қолдиқ}
 \end{array}
 +
 \begin{array}{l}
 \text{2 ой бош.} \\
 \text{қолдиқ}
 \end{array}
 +
 \begin{array}{l}
 \text{N-ой бош.} \\
 \text{қолдиқ}
 \end{array}
 }{
 \text{N-1}
 }$$

Бунда: N-ойлар сони.

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ОЙЛАР БЎЙИЧА ҲАРАКАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

ОЙЛАР	ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҚОЛДИҒИ (минг сум)	ОБОРОТ СУММАСИ, (минг сум)	АЙЛАНИШ ДАВРИ, КУНДА $1*30/2$
Январ	12734	140448	2,72
Феврал	11466	159250	2,16
Март	12766	187739	2,04
Апрел	12780	180000	2,13
ва ҳоказо.			

ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ТАҲЛИЛИ

Хусусий капитал (сармоя) – субъектнинг мажбуриятларини чегириб ташлагандан кейинги активларидир (1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”).

АХБОРОТ МАНБАЛАРИ

1-сонли шакл “Бухгалтерия баланси”
маълумотлари

4-сонли шакл “Хусусий капитал
тўғрисидаги ҳисобот” маълумотлари

Бухгалтерия ҳисобининг тегишли сёт
маълумотлари

ХУСУСИЙ КАПИТАЛНИНГ ТАРКИБИ

Хусусий капиталнинг таркиби

Устав капитали (8300) 410-сатр

Қўшилган капитал(8400) 420-сатр

Резерв капитали(8500) 430-сатр

Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700) 450-сатр

Мақсадли тушумлар (8800) 460-сатр

Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900) 470-сатр

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари асосида рентабеллик кўрсаткичлари қуйидаги тартибда аниқланади:

Хусусий капитал рентабеллиги. Бу рентабеллик тури ҳар бир сўмлик хусусий капиталимиз ҳисобига тўғри келган соф фойда қиймати ўрганилади:

Соф фойда

Хусусий капиталнинг ўртача йиллик қиймати

Жами инвестициялар рентабеллиги қуйидаги тартибда аниқланади:

$$CF + (KF * FCS_k) + A_p$$

ЖА

Бу ерда:

CF - Соф фойда

KF - Кредитлар учун фоиз

FCS_k - Фойда солиғининг коректировка қилинган ставкаси

A_p - Резервлар учун ажратма.

ЖА - Жами активларнинг ўртача қиймати

Хўжалик юритувчи субъектнинг хусусий капитали ва унинг динамикасини таҳлили

Кўрсаткичлар	Йил бошига қолдиқ	Ўзгариши		Йил охирига қолдиқ
		кўпайиши	камайиши	
1	2	3	4	5
1. Устав капитали	28280	-	-	28280
2. Қўшилган капитал	116902	-	-	116902
3. Резерв капитали	278317	263511	-	541828
4. Тақсимланмаган фойда	37000	5400	-	42400
5. Хусусий капитал билан қопланмаган зарар	-	-	-	-
ЖАМИ:	460499	268911	-	729410

**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАҲМАТ !**